

УДК 821.512.133 (09)

**ФАРД ЖАНРИ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ШОИР МАХОРАТИ**

М. Маматкулов

Гулистан давлат университети

E-mail: mamatkulov@mail.ru

Фард адабиётимиз тарихида ўзига хос ривожланиш жараёнларини босиб ўтган жанрлардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қаралса, фарднинг тарихи ва унинг ривожида айрим мумтоз шоирлар ҳамда Алишер Навоийнинг ўрнига баҳо бериш бевосита миллий қадриятларни тиклаш ва тарғиб этиш масаласи билан боғланиши жиҳатидан ҳам долзарблик касб этиши шубҳасиз.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбек адабиётида фарднинг шаклланиши ва тараққиёт жараёнини тадқиқ этишдан иборат бўлиб, бу қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади: фарднинг ўзбек адабиётида келиб чиқиш тарихини атрофлича ўрганиш; мумтоз адабиётшунослиқда фард ҳақидаги назарий қарашларни қиёсий текшириш; ошиқ ва маъшуқа образларининг фардлар талқинидаги ўзига хос хусусиятларни кузатиш; ҳазрат Навоийнинг фард жанри тараққиётидаги хизматларига баҳо бериш.

**Тадқиқот обьекти ва қўлланилган методлар**

Ўзбек адабиётшунослигига фард жанрига алоқадор тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, бирок олимлар назаридан четда қолган муаммолар кўп. Фарднинг ўзига хос шаклланиш тарихи ва жанрга хос назарий маълумотлар мумтоз шоирлар ҳамда ҳазрат Навоий ижоди мисолида алоҳида таҳлилга тортилганлиги, ошиқ ва маъшуқа образларининг даҳо шоиримиз сиймосида янги босқичга кўтарилилганлиги каби масалалар талқини тадқиқотнинг ўзига хос илмий янгилиги ҳисобланади. Тадқиқот обьекти сифатида Хоразмий, Яқиний, Юсуф Амирий, Лутфий, Алишер Навоий каби шоирларнинг яратган фардлари танланган. Унда тарихий-қиёсий методидан фойдаланилди. Мазкур мақола фард жанрининг ўзбек адабиётидаги тараққиёти ва Алишер Навоийнинг фарднавислик маҳоратини ўрганишга бағишлиланганлиги билан мухим аҳамиятга эга.

**Олингани натижалар ва уларнинг таҳлили**

Ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос шаклланиш жараёнинга эга бўлган лирик жанрлардан бири фард ҳисобланади. Фард арабча сўз бўлиб, якка, ёлғиз деган маъноларни англатади. Жанр атамасининг луғавий маъноси унинг тузилиш жиҳатдан ихчамлиги, яъни айнан мустақил бир байтдангина иборат эканлигига ҳам ишора қиласи. Фарднинг ҳар иккала мисраси ўзаро қофияланади. Бирок ўтмиш адабиётимизда қофияланмаган фард жанри намуналари ҳам учрайди.

Фарднинг вазни тўғрисида шуни айтиш мумкинки, у анчагина эркин жанр ҳисобланади. Чунки унинг ilk намуналари асосан бармоқ вазнида яратилган бўлса, ёзма адабиётнинг кейинги тараққиёт даврларида аруз фарднинг асосий вазнига айланди. Арузнинг фардни юзага келтиришда доимо қўлланадиган маҳсус баҳри йўқ. У вазннинг турли баҳрларида ёзилиши мумкин.

Фардларга хос бўлган қисқа, лўнда ва ихчамлик уни мақол жанрига яқинлаштиради. Энг асосийси, фардларда ҳам ҳалқ мақолларидаги каби ибратли фикр мавжуд. Бу эса дидактик характер фарднинг ilk шаклланиш босқичларида ёк жанр мезонларидан бирига айланганлигидан далолат беради. Бу хусусият айрим фардларнинг афоризм даражасига кўтарилишига ҳам хизмат қиласи.

Фарднинг адабиётимиз тарихидаги ilk намуналари ҳақида гап кетганда, мутахассислар томонидан “Девону луготит турк” асари тилга олинади. Дарҳақиқат, “Девон”да иккиликлар шаклидаги

анчагина шеър намуналари ҳам учрайди. Улар асардаги туркий сўзларнинг изохи сифатида келтирилганки, бундан иккилик тарзидаги шеърлар туркий адабиётда қадимдан мавжуд эканлигини сезиш қийин эмас.

Фарднинг кейинги намуналари нома жанри асосида яратилган асарлар таркибида учрайди. Хоразмийнинг “Мұхаббатнома”сида гарчи ёлгиз битта фардни учратиш мүмкін бўлса-да, бироқ Юсуф Амирий бу жанрда анчагина самарали ижод килганилиги кўринади:

Вафосин согиниб журмин унуткин,

Иноят кўзин онинг сори туткин. (Н. Раҳмон, 2007)

“Даҳнома” асаридан олинган мазкур мисралар ишқий мазмунга эга. Шунингдек, унда дидактик рух ҳам мавжуд. Байтнинг ўзаро қофияланиш усули ҳам фардларга хос.

Фард жанрининг тараққиётида насрый асарлар ҳам муҳим рол ўйнади. Хусусан, бу борада мунозара жанридаги асарлари билан машҳур бўлган Яқиний ва Юсуф Амирийларнинг номларини алоҳида таъкидлаш лозим, “Ўқ ва ёй” ҳамда “Чогир ва банг” мунозараларида “байт”, “назм” номлари остида келтирилган икки мисрадан иборат бўлган шеърларда кўпроқ иқтибос фардларга хос хусусиятларни кузатиш мүмкін.

Фарднинг мустақил ижод қилиниши ва алоҳида жанр сифатида девон таркибида маҳсус учраши мавлоно Лутфий лирикаси билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Шоир қаламига мансуб бўлган фардлар жанрининг шаклий ва гоявий-бадиий имкониятларини тўлиқ юзага чиқара олган. Лутфий фардлари гарчи мавзу жиҳатдан ранг-баранглик касб этмаса-да, бироқ улар жанрининг кейинги даврлардаги ривожи учун муҳим тажриба мактаби вазифасини ўтаганлиги сир эмас:

Ман шикаста агар жодуликни билсан эди,

Ўзумни нома қилиб хизматингга боргай эдим. (Лутфий, 1987, 343)

Кўринадики, мазкур мисралар анъанавий мавзуда ёзилган. Унда ошиқ ботиний оламига хос хусусиятлар намоён. Ўзини бечораҳол, кўнгли қаттиқ озор чеккан киши сифатида кўриш - мумтоз адабиётдаги ошиқ образига хос белгилардан бири саналади. Бу борада Лутфий ишқ тасвирининг анъанавий жиҳатларига содиқ қолган. Бироқ шоирнинг новаторлиги шундаки, у ошиқнинг орзуси тасвирида ўзига хос янгилик яратади. Лирик қаҳрамон сеҳргар бўлишни орзу қилмоқда. Сеҳргарлик унга қандай ёрдам бериши мүмкін? Бу – маъшуқа висолига интилишнинг бир йўли: яъни, агар мен “жодулиқни” билганимда эди, ўзимни мактубга айлантириб хизматингга борган бўлардим.

Лутфий сўз ўйинларидан фойдаланиш имкониятини фард жанрида ҳам синаб кўради. Бунинг натижаси ўлароқ ижод оламида тажнисли фардлар юзага келади. Жанрнинг кейинги ривожланиш босқичларида тажнисли фардлар ёзиш бошқа ижодкорлар томонидан ҳам муваффақиятли давол эттирилади, Лутфий ўзбек адабиётидаги мазкур гўзал бир анъананинг илк бошловчисига айланади Ҳақиқатан ҳам тажнис фардларга ўзгача бир жозиба бағишлиайди:

Кўнглум қарори қолмади, бир окча юз тилар,

Ул окча юзки мен тиларам, окча юз тилар. (Лутфий, 1987, 340)

Лутфий фардларига хос бўлган яна бир хусусият унинг мақол ва ҳикматли сўзлардан унумли фойдаланишида ҳам кўринади. Шоир айрим фардларнинг иккинчи мисрасида ҳалқ донишмандлиги намуналарига мурожаат этади. Бу билан мисраларда илгари сурилаётган фикрларни тасдиқлашга ҳаракат қиласди:

Шамъи мажлисга берур нур ул сафолик оразинг,

Бул масал равшандурур, ореки, ёғ ёғқа томар. (Лутфий, 1987, 342)

Алишер Навоий фард жанрида ҳам муваффақиятли қалам тебратган ижодкорлардан бири ҳисобланади. Фарднинг жанр хусусиятлари ва имкониятлари шоир лирикасида янада яққолроқ намоён бўлганлиги кузатилади:

Киши айбинг деса, дам урмағилким, ул эрур кўзгу,

Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму. (Навоий, 1990, 532)

Насиҳат фарднинг табиатига жуда мос келади. Шу сабабли шоир бу имкониятдан самарали фойдаланган. Ҳар ким ҳам кишига камчиликларини айта олмайди. Бунинг учун ўзига хос жасорат, ирода зарур. Нуқсонларини эшитиш эса одамга унчалик ҳам ёқавермаса керак. Шоир одамга айбларини айта оладиган кишини кўзгуга ўхшатади. Яхши маълумки, кўзгунинг вазифаси юз қандай бўлса, шундайлигича кўрсатиш. Айбини айтган одамга “дам уриш” - кўзгуни хирадаштиришдай гап. Чунки ойна қора бўлиб қолса, бошқа кўрсатмай колиши мүмкін. Танбех эшигтан одамдан ҳам бошқа

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI, 2015. № 4 \*

ҳеч қачон ўз нуқсонлари ҳақида маълумот олиш қийин. Биринчи мисрада айтилган фикрнинг иккинчи мисрада образли тарзда ифодаланганлиги фарднинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мурувват ва футувват деган тушунчаларни тўла маънода англаш ботиний изоҳни талаб қиласди. Алишер Навоий фардларидан бирида шу масала атрофида фикр юритади:

Мурувват барча бермакдур, емак йўқ.

Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ. (Навоий, 1990, 529)

Агар киши ўзини ҳеч кимдан юқори кўймаса, ўзидағи нарсаларнинг борини ўзгалардан қизғанмаса ишлари унинг мурувватлилигидан дарак беради. Ҳаммага бирдек яхшилик қилиб, эвазига ҳеч нарса талаб қилмаслик – бу футувват ахлига хос. Мазкур тушунчалар замирида нафақат эзгу амалий ишлар қилиш, балки руҳий покланиш ҳам ётади. Одам яхши нарсаларни ўйласа, умрини ибратли ишлар қилишга бағишиласа, мухтожларга ёрдам кўрсатса, пок юрса эзгу ахлоқли одам сифатида ҳурмат қозонади. Бу – футувватнинг ташки белгиси. Унинг ички қўриниши нафс билан қурашиб жараёнида юзага чиқади. Нафсни енгиш эса маънавий камолотдан дарак.

Демак, футувват ахли ҳар томонлама етук намунали хулқ эгалари экан.

Мен синук, кўнглум синук, сабрим уйи худ ерга паст,

Билмагай ҳолим шикастин кўрмаган мунча шикаст. (Навоий, 1990, 534)

Фардда шоир руҳий ҳолатни бериш имкониятини топа олган. Дастребаки мисрада тасвирланишича, лирик қаҳрамоннинг изтироби, кўнглининг жароҳати сабрининг ҳам синиши даражасигача олиб келган. Бу қалб нолалари ўзига хос кайфият ифодасидан дарак беради. Бундай руҳий азобланиш ҳолатини ҳатто “шикаст”нинг ўзи ҳам тасаввур қиломаслигини шоирона поэтик каашфиёт дейиш мумкин.

Юқар ёмонлиғ ангаким, кирап ёмон эл аро,

Кўмур аро илик урган қилур илкини каро. (Навоий, 1990, 531)

Навоийнинг карашибча, ёмон одам эл орасига оралайдиган бўлса, албатта, ёмонлик юқади. Шеърнинг биринчи мисраси мазмуни шундан иборат. Кўйилаётган масала ҳам фарднинг дидактик характеристига тўғри келади. Шоир кейинги мисрада ўз қарашларини асослаш учун чиройли қиёс топади: Кўмир ушлаган одамнинг кўлига кўмирнинг қораси юқади. Демак, қўлни тозалаш учун ювиш лозим бўлгани каби ёмон одамни ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Ҳазрат Навоий фардларининг мавзу доираси хилма-хил. Ишқий мавзудаги фардлар ҳам шоир ижодида алоҳида мавқе эгаллади. Шеърлардан бирида айтилишича, лирик қаҳрамон ишқнинг “юз минг уқубат” эканлигини яхши англайди. Бироқ, дунёда ишқсиз яшаш мумкинми? Йўқ, албатта. Фарднинг сўнгги мисрасида эса ишқсизлик ишққа мубталоликдан ҳам ортиқ азоб эканлиги уқтирилади:

Агарчи ишқ дардидин манга юз минг уқубатдур,

Вале ҳамдардсизлиғ андин ортуғроқ суубатдур. (Навоий, 1990, 536 )

Ошиқнинг ички кечинмалари, ҳижрон изтироблари, маъшуқанинг гўзаллиги ҳамда ошиқка нисбатан эътиборсизлиги кабилар шоир ишқий фардларининг асосий тасвир обьекти ҳисобланади:

Юз очиб, ёғлиғ била лаълингни мактум айладинг,

Гул чоғи гулранг майдин бизни маҳрум айладинг. (Навоий, 1990, 534 )

Ёғлиғ – рўмол, дуррача маъноларини англатади. Лаъл эса кўчма маънода қип-қизил лабга нисбатан кўлланилади. Маъшуқанинг юзини очган ҳолда рўмол билан оғзини беркитиши ошиқнинг “норозилигига” сабаб бўляпти. Бунақа юз очишдан нима наф? Бу эса гўё баҳор чоғида ташкил этилган базмда гулранг, яъни қизил майдан иштирокчиларни маҳрум қилишга ўхшайди.

### Хуласа

Хуласа, маҳсус ёзилган кичик лирик асар сифатида машхур бўлган фард адабиётимиз тарихида алоҳида тараққиёт босқичига эга. Жанрга хос бўлган айрим белгилар оғзаки адабиёт маҳсули бўлган халқ мақолларида учраса-да, бироқ унинг ёзма адабиётдаги намуналари XV асртагача нома ва насрий асарлар таркибида яшаб келди. Фарднинг алоҳида жанр сифатида маҳсус яратилишида мавлоно Лутфийнинг хизматлари бекиёс бўлса, унинг камолотини ҳазрат Навоий ижодисиз тасаввур қилиш қийин.

### Адабиётлар рўйхати:

Насимхон Раҳмон. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 2-жилд, Тошкент: Фан, 2007. – Б. 432.

Лутфий. Сенсан севарим. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б. 284.

Навоий А. Муқаммал асарлар тўплами. 6-том. Ҳазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. Тошкент: Фан,

1990. – Б. 364.

Хомидий Ҳ. ва бошқ. Адабиётшунослик терминлари лугати. Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – Б. 64.

Шайх Аҳмад ибн Худойод Тарозий. Фунун ул-балоға. Тошкент: Хазина, 1996. – Б. 156.

Бобур. Мухтасар. Тошкент, Фан, 1971. – Б. 246.

#### Аннотация

#### ФАРД ЖАНРИ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ШОИР МАҲОРАТИ

М. Маматкулов

Мазкур мақола фард жанрининг ўзбек адабиётидаги тараққиёти масалаларига бағишиланган. Унда фардга хос бўлган жанрий хусусиятлар асосан Алишер Навоий ижоди мисолида таҳлил этилган. Бу эса шоирнинг фард яратишдаги маҳорати билан биргаликда фард жанрининг такомилини тасаввур этиш имконини ҳам беради. Шунингдек, ундан фардларнинг бадиияти масаласи ва ошиқ образига хос айрим кузатишлар ҳам ўрин олган.

**Таянч сўзлар:** фард, образ, жанр, фард генезиси, фард бадиияти.

#### Аннотация

#### ВОЗМОЖНОСТИ ЖАНРА ФЕРДА И МАСТЕРСТВО ПОЭТА

М. Маматкулов

Данная статья посвящена вопросам развития ферда в узбекской литературе. В ней проанализированы жанровые свойства ферда на примере творчества Алишера Навои. Это даёт возможность оценить не только мастерство поэта в создании ферда, но и сам процесс совершенствования жанра ферда. Также в статье имеют место некоторые наблюдения относительно художественности ферда и образа влюблённого героя.

**Ключевые слова:** ферд, образ, жанр, генезис ферда, художественность ферда.

#### Summary

#### THE POTENTIAL OF THE GENRE OF FERD AND POETS' MASTERY

M. Mamatkulov

The article is devoted to the problems of ferd genre in Uzbek literature. It, is analyzed on the basis of general traits of Alisher Navoiy's ferd. It gives an opportunity of representing not only the authors poetic skills in creating ferd, but also the processes of perfecting the genre of ferd. The article also has some observation concerning artistic features of A. Navoiy's ferd and the image of an enamored hero.

**Key words:** ferd, character, genre, ferd genesis, ferd's artistic value.